

ШАРҚ ВА ФАРБ МАДАНИЯТИДА «БОЙЛИК» ТУШУНЧАСИ

Мухторова Барно Алишеровна

Фарғона давлат университети, 10.00.11.-Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси ихтисослиги II босқич таянч докторанти

barnomukhtorova@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада Шарқ ва Фарб маданиятида «бойлик» түшүнчәсі ҳақидагы фикр-мулоҳазалар баён қилинган, түшүнчә атрофига баён қилинган фикрлар, көлтирилгандар мисоллар ҳамда қараашлар таҳлил қилинган.

Калит сүзләр: маданият, Шарқ ва Фарб маданияти, бойлик, концепт

Аннотация. В данной статье описаны мнения о понятии «богатство» в восточной и западной культурах, широко проанализированы мнения, высказанные вокруг этого понятия, примеры и взгляды.

Ключевые слова: культура, восточная и западная культуры, концепт, богатство.

Abstract. In this article, opinions about the concept of "wealth" in Eastern and Western cultures are described, the opinions expressed around the concept, examples and views are widely analyzed.

Key words: culture, Eastern and Western cultures, concept, wealth

Маданият- бу инсонларнинг ижодий фаолияти туфайли яратилған моддий ва маънавий бойликлар мажмуигина бўлиб қолмай, айни пайтда у жамият тараққиётининг даражасини ҳам ифодалайди, яъни жамиятдаги билим, мезон ва қадриятларнинг йиғиндиси маданиятда акс этади. Маданиятни ўрганиш айниқса турли маданият соҳаларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билим ва тажриба доирасини кенгайтиради. Жаҳон халқларининг қўп минг йиллик маданий ҳаёти, умумий илдизлари, Шарқ ва Фарб маданиятининг тараққиёт босқичлари, ўзига хос хусусиятлари ва муштараклиги, миллий ва минтақавий маданиятнинг жаҳон маданияти равнақига таъсири, маданиятларо мулоқот муаммолари, маданиятнинг таркибий тузилиши, тарихий тараққиёти, уларнинг инсоният ҳаётидаги аҳамиятини ўрганиш

маданиятнинг янгидан-янги билим ва тажриба каби эшикларини очиш учун хизмат қиласи, чунки маданият инсониятнинг бутун тарихий тараққиёт жараёнида яратган барча моддий ва маънавий бойликларининг хазинасини ифодаловчи тушунча бўлиб, жуда мураккаб, кўп қиррали маънавий-ижтимоий ҳодиса сифатида бевосита ўтмишдаги ва ҳозирги замоннинг кўплаб аллома ва мутафаккирларнинг ақл-идроқи, истеъоди, заковати ва меҳнати маҳсулидир. Ҳар қандай жамият маданиятида маълум тушунчалар хукмонлик қиласи, уларнинг маданий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш тил вакилларнинг билим, тажриба, фикрлаш савияси, ота-боболарнинг ушбу тушунчага бўлган муносабати билан босқичма-босқич шаклланади ҳамда жамият вакилларнинг маданиятига сингиб, даврларда сайқалланиб боради. Мазкур мақоламиизда биз Шарқ ва Ғарб маданиятида «бойлик» тушунчасига турли тил вакилларнинг муносабатларини атрофлича таҳлил қиласиз. Мисол учун, **машхур рус олими академик Андрей Сахаров юксак ахлоқ йўлини танлаб, олимлик бурчи, одоби талабларини бажаришни ҳар қандай бойлик, иззат-икромдан баланд қўйди [3:239]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 25 декабря «Ёшлилар Форуми»да: «Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлил- умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч кимдан сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг»** каби сўzlари ёшлилдаги олинган илм-бу чинакам маънода улкан бойлик эканлигини тасдиқлаб турибди.

Юқоридаги фикрларни жамлаб, шундай бир хулоса келишимиз мумкинки, ахлоқ бойлиқдан устун, илм эса бойлик каби қадр-қийматга эга тушунчадир. Шарқ маданиятида “бойлик” тушунчаси ғарб маданиятидан фарқли жиҳатдан турли ҳил қарашларни ўз ичига олади. Ўзбек маданиятида “бойлик” кўпинча нафақат моддий ютуқлар билан, балки бир қатор бошқа жиҳатлар билан боғланади:

- 1. Оила, оилавий ришталар, жамиятдаги муносабатлар.** Ўзбек маданиятида “бойлик” мустаҳкам оилавий муносабатлар ҳамда ришталар, қариндош-уругчилик, улар томондан қўллаб-қувватланиш, жамиятдаги тадбирларда фаол иштирок этиш. Ота-онани улуғлаш, уларга итоат этиш халқимизга хос қадим қадриятларимиздандир, шу сабабли ота-онани давлатга тенглаштирилади.
- 2. Маданий мерос ва урф-одатлар.** Ўзбек маданиятидаги “бойлик” тушунчаси маданий мерос, анъана ва ҳунармандчилик, мусиқа, рақс ва миллий таомлар каби тарихий қадриятларга эга бўлиш билан боғлиқ. Маънавий бойликлар олимлар, мусаввирлар, бастакорлар, шоир ва ёзувчилар, назариётчилар, хуллас, халқ томонидан яратилади. [1:40] Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида айтганидек, «Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятлардан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, қўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди»[2:51]. Кишиликнинг ҳар бир авлоди аждодлари томонидан яратилган маданий бойликларни мерос сифатида қабул қилиб олади. Тарихий ворислик-жамият ва унинг маданияти равнақи шартидир.[4:43]
- 3. Маънавий фаровонлик.** Ўзбек маданиятида “бойлик” тушунчасининг муҳим жиҳати маънавий-рухий фаровонлик, яъни ички хотиржамлик, баҳт-саодат ва инсон атрофидаги дунё билан уйғунлигини ўз ичига олади. Дунё илм-фанида биринчи муаллим сифатида тан олинган Аристотель адолат ва баҳтни юксак инсоний қадриятлар сирасига киритган. Ўрта асрларда қадриятлар илохий мазмунда таҳлил қилинган, Уйғониш даври фалсафий қарашларида эса, инсонпарварлик, хурфикрлик қадриятларига алоҳида эътибор қаратилган [5:863].

Шарқ маданиятида, жумладан ўзбек маданиятида “бойлик” тушунчаси жамиятнинг анъанавий ва қўпинча ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган маданий қадриятлар ва ҳаётини акс эттиради.

Ғарб маданиятида, жумладан, инглиз маданиятида “бойлик” тушунчаси турли қарашларни ўз ичига олади, яъни бир томондан, моддий бойлик бўлмиш пул, мулк ҳамда дабдабани ўз ичига олса, Money makes the world go round; Riches have wings; Cash is king; Money is power; Money talks; Money makes the mare to go [6:78;234] каби инглиз мақоллари бойликнинг катта қудрати дунёларни бошқаришга, бойлик инсоннинг қаноти бўлиб хизмат қилишига, пул-бу қирол, бойлик гапиради каби маъноларини бермоқда, бошқа томондан, бу тушунча ўз замирида турли хил ресурсларни, яъни таълим-тарбия, билим ва тажриба ҳамда ижтимоий муносабатларни сақлайди. Бундан ташқари, “бойлик” тушунчаси маънавий барқарорлик, оиласдаги инсоний қадр-қиммат, сиҳат-саломатликни ҳам ифодалайди. “Бойлик” тушунчаси халқнинг индивидуал ҳамда маданий қадр-қимматни, инсонлар яшаб турган ижтимоий-иктисодий муҳитни ҳам ўзида акс эттиради. Инглиз маданиятида “бойлик” тушунчаси қўпинча молиявий ахволни қўрсататувчи омил сифатида қаралиб, моддий ресурслар, ижтимоий мавқе, фаровон турмуш тарз, жумладан соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой ва дам олиш имкониятини сифатли таъминлаш учун етарли миқдорда маблағга ва мол-мулкка эга бўлишни англатади, бироқ инглиз маданиятида “бойлик” тушунчаси бошқа қарашларни ҳам ўзида акс эттиради, яъни таълим-тарбия, маданий мерос, ижтимоий муносабатлар ҳамда маънавий барқарорлик каби. Айниқса, ҳозирги жамиятда “бойлик” тушунчасининг руҳий ҳамда эмоционал қарашлари ҳам шаклланмоқда, жумладан мазкур қарашлар оиласвий муносабалар, соғлиқ ва баҳт каби тушунчаларни ўз ичига олади. Мисол учун, Money cannot buy happiness; A penny saved is a penny earned; The love of money is the root of all evil; Easy come, easy go; You cannot take it with you when you go; It's not what you have got, it's what you do with it [6:4;12,389] каби инглиз мақоллари бойлик, пулни унчалик қадр-қимматга эга эмас, инсон баҳти

бойлик билан ўлчанмайди, бойликни ҳеч ким олиб кета олмайди, пул-бу ёмонликнинг илдизидир, тез қўлга киритилган бойлик, тез қўлдан чиқади, агар инсон бойликка эга бўлса, уни оқилона сарф қилиш ҳамда тежаш ҳам фазилатdir каби маъноларни ўзида акс этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир жамиятда шаклланиб бораётган маданият турли хил тушунчаларни ўз ичига олади, мазкур тушунчалар инсоннинг билим, тажриба, фикрлаш савияси, нуқтаи назари, дунёқараси, муносабати замирида шаклланади. Шу сабабли биз бир маданиятнинг ўзида бир тушунча атрофида ўхшаш ва фарқли, салбий ва ижобий фикрлар, муносабатлар ва қарашларга дуч келамиз. Шарқ ва Ғарб маданияти икки ҳил, ўзининг фарқли ривожланиш даврларига, турли аллома-мутафаккирларнинг фикрлари ва қарашларига эга бўлган маданият бўлиб, бир тушунча доирасида умумий фикр-мулоҳазалар, хулосаларга эгалигини қўришимиз мумкин, яъни «бойлик» тушунчаси ҳар икки маданиятга хос ҳам ижобий ҳам салбий хусусиятларга эгалиги, ушбу тушунчанинг ҳар бир миллатда мавжудлиги, факат муносабатларнинг ўрни, аҳамияти мақоламиизда келтирилган баёнлар фикримизни яққол мисолидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Каримов Б. Маданиятшунослик. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Молия институт, 2015. – бет.
2. **Каримов И.А. Юксак маънавият — енгимлас куч. — Тошкент: Маънавият, 2008.**
3. **Абдулла Шер. Аҳлоқшунослик. Дарслик. -Тошкент, 2010. -251бет**
4. С. Отамуратов, С. Ҳусанов, Ж. Раматов. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Т. А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. "ЎАЖБНТ" маркази, 2002. - 213 бет.
5. Қадриятларнинг шахс маънавий қиёфасини юксалтиришдаги ўзига хос жиҳатлари, С.Панжиев, ТерДУ, 2022, 863-бет, www.oriens.uz
6. К.М.Karamatova, Н.С.Karamatov, Proverbs, Maqollar, Пословицы. Toshkent. “Mehnat” nashriyoti -2000.-398